



**ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲУДУДИННИГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА  
ДЕГРАДАЦИЯ ДАВРИДАГИ СУВ БАЛАНСИ**

**Дилноза Маматова Наврузовна**

*ассистент*

**Мулкамолова Озода**

*талааба*

"ТИҚХММИ"МТУ нинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

**Аннотация:** Орол денгизи ҳозирги вақтда жуда аянчили аҳволда, денгиз суви жуда тез суръатларда янада камайиб кетди. Денгиз қуриши натижасида вужудга келган экотизим бузилишининг салбий оқибатлари натижасида Оролбўйида аҳоли бандлиги билан боғлиқ вазият кескин ёмонлашди, бу эса миграцияга, аҳоли саломатлигининг ёмонлашишига, иқлим ўзгариши, сув сатҳининг пасайиши ва биоресурсларнинг қашшиоқлашишига олиб келди. Шу сабабли Орол денгизининг деградацияси давридаги сув балансини ўрганиши долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** деградация, экотизим, сув баланси, биохилма-хиллик, бузланиш, яшил қоплама, бетонлаш, сугориш, атроф-муҳит.

Орол денгизи сатҳи 1960 йиллардан бошлаб пасая бошлади. 1989 йилда денгиз иккита алоҳида сув ҳавзасига - Шимолий (Қозогистонда) ва Жанубий (Ўзбекистонда) Орол денгизига бўлинди. Шимолий Орол - Қозогистон ҳудудида жойлашган. Оролқум қарийиб 60 000 квадрат километр майдонни эгалтайди. Унинг деярли ярми Ўзбекистондаги 1,8 миллион аҳоли истиқомат қиласидан Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Шимолий Орол денгизида 2022 йил октябрь ойидан бугунги кунгача денгиздаги тўпланган сув ҳажми эса 19,7 миллиард куб метрдан ошган.

Сув баланси тенгламасига кўра, антропоген даврда денгизга дарё оқимиidan 30,0 – 13,10 км<sup>3</sup> ҳажм оқим тушган бўлса, денгиз юзасига 7,1-2,6 км<sup>3</sup> га тенг бўлган атмосфера ёғинлари (суюқ, каттиқ ва аралаш ёғинлар) келиб тушган бўлиб, кирувчи қисм 37,1-15,70 км<sup>3</sup> тенг бўлди. Буғланиш қими эса, метеорологик станция маълумотлари асосида 61,59 км<sup>3</sup> га тенг бўлиб, бу даврнинг ўзида хам сув баланси -24,49-3,56 км<sup>3</sup> манфий қийматга эга бўлди;

1-жадвал


Давр	Киривчи			Чиқувчи	Сув баланси
	Дарё оқими	Атмосфера ёғинлари	Йигинди		

1961-1980	30,0	7,1	37,1	61,59	-24,49
1981-1990	3,45	7,1	10,55	42,53	-31,98
1991-2000	19,30	5,8	25,1	34,68	-11,60
2001-2016	13,10	2,6	15,70	19,26	-3,56

### Орол денгизининг сув баланси тенгламаси, км<sup>3</sup>

1900 йилда денгиз сатҳи кўтарила бошлади ва у 52,0 – 52,35 м қийматларга тенг бўлиб, бу қиймат 1960 йилгача сакланиб турган.


1959-1960 йилларда денгизга қўйилган умумий оқим ҳажми йилига 46,6-76,2 км<sup>3</sup> атрофида ўзгарган. Бу даврда Амударё ва Сирдарё дарёлари оқим ҳажми катта бўлиши сабабли дарё дельталари сув билан тўлиб тошиди ва ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ривожланиши учун максимал шароитлар яратилган.



### Орол денгизи сув сатҳи (Рогов М.М. маълумоти асосида )

Амударё ва Сирдарёнинг Орол денгизига қўйилиши муттасил камайиб бораётгани ҳам кўрсатилган. Айрим йилларда бу дарёлар Орол денгизига умуман сув олиб чиқмаган. 1982 йилда Амударёдан Орол денгизига асосий канал бўйлаб сув қувиш тўхтатилди: Қизилжар қишлоғи яқинида қўр-қўронга тўғон қурилди ва дарёнинг барча қолдиқ оқими чап қирғоқни суғориш учун йўналтирилди. дельтанинг бир қисми унинг қуриган сув омборларини сугоради. 1982, 1985 ва 1986 йилларда Амударё сувларининг Орол денгизига келиши бутунлай йўқ еди.

Худди шундай, 1982-1987 йилларда Сирдарё сувининг Орол денгизига қўйилиши кузатилмаган. 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошларида сув кўп бўлган йиллардагина дарё оқимининг бир қисми Орол денгизига кириб келган.



### Сирдарёдан Орол денгизига тушган оқим миқдори (а вегетация даври, б новегетация даврида)

2021 йилнинг 18 май куни БМТ Бош ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажлисида Шавкат Мирзиёевнинг таклифига кўра Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги маҳсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Шу тариқа Орол денгизининг қуриган туби “фронт” га айланди: республиканинг барча ҳудудларидан маҳсус техникалар жалб этилиб, яшил қопламалар барпо этишга киришилди. Хусусан, 2018-2021 йиллар мобайнида денгизнинг қуриган тубида 1,7 млн гектар майдонда саксовул, черкез, қандим каби шўра ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил қопламалар барпо қилинди. Орол денгизининг суви қуриган тубида 2023 йилда 100 минг гектар майдонда «яшил қопламалар» – химоя ўрмонзорлари барпо этилади, бунинг учун 25 млрд сўм йўналтирилади. Маълумот учун, Орол денгизининг суви қуриган тубида «яшил қопламалар» барпо этиш 2018-2019-йилларда бошланганди.

Орол денгизининг шимолий қисми географик иқлим ҳосил қилувчи обьект сифатида сақлаб қолинишига эришилган. Оролбўйининг Қозогистон қисмида биохилма-хиллик тиклангани айтилмоқда: маҳаллий балиқ турлари ривожланиши ва осётрсимон балиқ турларини кўпайтириш учун қулай шароитлар яратилган. Балиқ тутиш ҳажми 0,4 минг тоннадан 6,0 минг тоннага кўпайган ва келгусида 11,0 минг тоннага етказиш кутилмоқда. «Кўлларнинг тикланиши балиқчиликни ривожлантириш имконини берди. Илгари Орол денгизида йўқолиб кетган 13 турдаги балиқ тикланди, балиқ овлаш ҳажми 400 килограммдан 7 минг тоннага кўпайди», – дейилади Қозогистон Экология вазирлиги ҳисботида.

Сўнгти бир неча ўн йилликларда бу тузли чўл қум ва чанг бўронлари манбаига айланди. Ҳар йили бўронлар Орол денгизининг қуриган тубидан 15 миллиондан 75 миллион тоннагача қум, чанг ва тузни Марказий Осиё кенгликларига олиб ўтади. Оғрикли дарднинг "элчиси" деярли 400 кмгача



учиб боради. Бунинг натижасида юзага келган тупроқ эрозияси ва ҳавонинг ифлосланиши одамлар саломатлигига, турмуш шароитига ва атроф-мухитга салбий таъсир қўрсатади", дейилади тадқиқотда. Билдирилишича, Орол денгизи тубидан кўтариладиган кум ва чанг бўронлари йилига 44 миллион АҚШ долларидан ортиқ иқтисодий заарар келтиради. Қорақалпоғистон Республикасида сурункали бронхит билан касалланган кишилар ҳар 100 минг нафардан 2010 йили 521 нафарни ташкил этган бўлса, бу сон 2016 йили 1046 тага ошди.

Умуман саноатга етган заарар 40 миллион, ишлаб чиқариш соҳасидаги заарар эса 99 миллион доллардан ортиқ баҳоланади. Айни пайтда Оролдаги 1 (бир) литр сув таркибида 150-300 граммгача туз мавжуд. 38 турдаги балиқлар яшаган. Орол денгизининг жанубий қисмида балиқлардан бирор тур ҳам сақланиб қолмади. Оролбўйида яшаган Осиё гепарди, Каспий йўлбарси, Устюрт қулонларининг сўнгти вакиллари жон берди.

Ўтган аср давомида бир қанча омиллар Орол денгизида сув сатҳи камайишига таъсир ўтказган. Хусусан:

- 1913 йилда Орол денгизига борадиган сув билан суғориладиган ерлар майдони 3,2 млн гектар бўлган бўлса, 1985 йилга келиб бу қўрсаткич 6,9 млн гектарга етган;
- турли эҳтиёжлар учун Орол денгизидан сарфланадиган сув 1960-йилларда 63 км куб, 1980 йилда эса 95 км кубни ташкил этган;
- 1959-1967 йилларда узунлиги 1445 км бўлган Туркманистон Республикасидаги Қорақум канали қурилиши Орол сатҳининг кескин пасайишига сабаб бўлган. Зеро канал тубининг бетон қилинмаганлиги сув исрофгарчилигига сабаб бўлмоқда;
- XX аср давомида Оролбўйи худудларида, Марказий Осиё ва қисман Афғонистон аҳолиси сони 14 млн.дан 65 млн.гача ортган.

Орол ва Оролбўйи муаммоларни ечишдаги учта асосий йўналишлар яъни, биринчидан, ичимлик сувини қувурлар орқали аҳолига етказиб бериш билан худуднинг санитар-эпидемологик ахволини яхшилашга, шунингдек, ер ости чучук сувидан фойдаланишга ҳам эътибор қаратилди; иккинчидан, денгизнинг қуриган жанубий қирғоқларида сунъий дамба қуриб, делта экосистемасини доимий сувлаштириш ўюли билан "Яшил камар" ҳосил қилиш; учинчидан, денгизни ўзини сақлаш. Уни сақлаш учун унга систематик равишда кўп микдорда сув юбориб туриш кераклиги ва бундан ташқари Оролни қуриган тубида саксовулзорлар барпо этиш натижасида кум кўчиши, чанг қўтарилишини олдини олиниши мутахассислар томонидан таъкидланди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. С.С.Буриев, Д.А.Махкамова, В.Х. Шеримбетов. "Экология ва атроф-мухит муҳофазаси". Ўқув қўлланма. Тошкент. 2019.
2. А.А.Рафиков. Прошлое, настоящее и будущее Аралского моря. Ташкент. 1990.
3. Д.М.Жангабаев. Орол денгизи деградация давридаги сув баланси динамикаси. Магистрлик диссертацияси. Тошкент.2022.